УДК 9 (93)

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ – ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Н.Б. Комилов

Мақолада Туркистон мухториятининг ташкил топиши, унга Совет ҳукуматининг муносабати маҳаллий ва хорижлик олимларнинг илмий тадқиқотлари асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, Туркистон Мухторияти аъзолари ҳаёти ва фаолиятининг янги қирралари ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Мухторият аъзоларининг Туркистонда дунёвий-демократик давлат қуришнинг асосий йўналишларини белгилаб берганлиги, ушбу жараён жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини ўз ичига олганлиги таъкидланган.

Калит сўзлар*: мафкура, жадид, дунёвий-демократик давлат, Туркистон Мухторияти, Россия империяси, маърифатпарварлик, иқтисодий мустақиллик, миллий матбуот.*

В статье анализируется становление Туркестанской автономии, отношение к ней советской власти на основе научных исследований отечественных и зарубежных ученых. Также была представлена “информация о новых сторонах жизни и деятельности членов Туркестанской автономии. Отмечалось, что члены автономии определили основные направления строительства светско-демократического государства в Туркестане, и что этот процесс включал в себя необходимость реформирования всех сфер общественной жизни.

Ключевые слова: *идеология, джадид, светско-демократическое государство, Туркестанская автономия, Российская империя, просвещение, экономическая независимость, национальная печать.*

Халқимиз тарихий хотирасида чуқур из қолдирган Туркистон Мухторияти – ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўринга эга бўлган биринчи миллий-демократик давлат ҳисобланади. Бугун ушбу давлатчилик тажрибаси мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий тикланиш жараёнлари, халқимизнинг танлаган йўлига муносиб йўл сифатида баҳоланмоқда.

Маълумки, мухториятчилик ҳаракатининг мафкурачилари бўлган жадидлар Туркистонда дунёвий-демократик давлат қуришнинг асосий йўналишларини белгилаб берган эдилар. Ушбу жараён таълим, иқтисод, маданият ва, умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш заруратини ўз ичига олган эди.

Шу сабабли ҳозирда миллий давлатчилик тарихини, унинг ривожланиш истиқболларини, шунингдек, ҳар бир халқ ва миллатнинг юксалиши учун қайғурган тарихий шахслар фаолиятини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Россия мустамлакачилик сиёсатининг давом эттирилишига қарши шаклланган Туркистон Мухторияти, унинг йирик вакиллари фаолиятини тадқиқ этиш жаҳон тарихининг мазкур даврига дахлдор муаммоларини ўрганишда янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи илмий марказларида давлатчилик тарихини объектив ва тўлақонли ёритишда салмоқли илмий ишлар қилинмоқда, янгича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, ушбу тадқиқотлар тарихий қадриятлар ва аждодлар меросини умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда тадқиқ этиш эҳтиёжини вужудга келтирмоқда. Бундай қизиқиш давлатчилик фаолиятининг мураккаб ва зиддиятли жараёнларга тўла эканлиги, кескин сиёсий даврларда фаолият юритгани билан изоҳланади. Шу боис, давлатчилигимиз ҳақида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этиш нақадар муҳим аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.



Туркистон Мухторияти озиқ-овқат вазири Обиджон Маҳмудов (1871– 1936)

Ўзбекистонда давлатчилик тарихини объектив ўрганиш – жамият ижтимоий онги ҳамда тафаккурини шакллантиришда муҳим манба сифатида эътироф этилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий тараққийпарвар – жадидлар томонидан ташкил этилган Туркистон Мухторияти фаолиятини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш, илмий хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Чунки “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш лозим. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур” [1. Б. 1–4].

Ўша даврда жадидлар Россиядан ажралиб мустақил ривожланиш нечоғлик оғирлигини ва Туркистон қийин шароитга тушиб қолишини олдиндан кўра олишган. Чунки Туркистон Россия империяси билан ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан боғланган эди. Шу сабабли ҳам улар ягона иқтисодий доирада мустақил ривожланишни кун тартибига қўйишган ва бу борада Туркистонга кенг ваколатли миллий-ҳудудий мухторият берилишининг тарафдори эдилар.

Бу борада “Шўрои Исломия” (1917 йил март), “Шўрои Уламо” (1917 йил июнь), “Турон” жамиятлари ва “Турк одами Марказият фирқаси (федералистлар)” (1917 йил июль), “Иттифоқи муслимин” (1917 йил сентябрь) сиёсий партияларининг тузилиши – мухториятни ташкил этиш йўлидаги муҳим қадамлардан эди.

Афсуски, ушбу қонуний давлат фаолияти Совет ҳукумати томонидан мунтазам танқид остига олинди ва узоқ йиллар мухториятчиларининг фаолиятига салбий баҳо берилди. Масалан, 1917 йил 27 ноябрдаги ва 1917 йил 1 декабрдаги икки ҳужжатда Туркистон Мухторияти – “буржуа-миллатчи” ҳукумат деб таъкидланиб, тўплам муаллифлари (И.Т.Безрукова, М.Л.Вайс, М.И.Вексельман, Н.В.Мандальская, К.З.Мухсиновалар) қонуний Туркистон Мухториятининг 2017 йил 27 ноябрдаги, 1917 йил 1 декабрдаги мурожаатларини асоссиз равишда бузиб, ушбу ҳужжат маъносини советлар сиёсати ва мафкурасига сунъий равишда сингдиришга уринишган ва тарихий ҳақиқатни бутунлай сохталаштиришган. Ваҳоланки, Туркистон Мухториятининг ташқи ишлар вазири, кейинчалик бош вазири бўлган Мустафо Чўқаев ана шу юқоридаги икки ҳужжатни аслида қандай бўлса шундайлигича, яъни “Туркестанский вестник”, Ташкент 1917, 5 декабрь № 18 “От временного правительства автономного Туркестана” деб келтирган [2. Б. 52–54].

Бироқ мухториятни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган Мустафо Чўқай ўзининг эсдаликларида Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати ҳақида кўплаб ижобий фикрларни билдиради. Хусусан, ҳукуматнинг халқпарвар ва толерант эканлигини таъкидлаб, уларнинг халқ оммасига мурожаатини келтиради: “Инқилобий демократия эълон қилган халқларнинг буюк эркинлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашнинг буюк тамойилларини эътиборга олиб, шунингдек, Туркистоннинг миллионлаб аҳолисининг иродасига мувофиқ, ўлка умуммусулмонларининг фавқулодда қурултойи Туркистонни Россия Федератив Демократик Республикасининг автоном ҳудуди деб эълон қилади. Туркистоннинг барча уюшган кучлари олдида ҳозирги пайтда илгари сурилган вазифаларнинг аҳамияти ва масъулиятини тўлиқ англаб, Туркистонда яшовчи барча халқларнинг фаровонлигини, маданий ривожланишини ва яқин дўстлигини таъминлайдиган тартибни ўрнатишга ҳар томонлама интилиб, ўлка қурултойи Туркистон Муваққат халқ советини сайлади” [2. Б. 52].

Мурожаатнинг давомида Туркистон Мухторияти олдида бир қатор мажбуриятлар борлиги, жумладан, зудлик билан Туркистон таъсис йиғилишини чақириш, аҳолини озиқ-овқат ва бирламчи маҳсулотлар билан таъминлаш чораларини кўриш, Туркистон Мухториятининг молиявий фондини, халқпарвар милициясини ташкил этиш, мамлакатда яшайдиган барча миллатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чораларни кўриш каби маълумотлар келтирилган [2. Б. 52].

Мурожаатда рус инқилоби томонидан қайтариб берилган бирлик, эркинлик, тенглик, бородарлик тамойилларини инобатга олган ҳолда, умуммусулмонларнинг фавқулодда қурултойи Туркистоннинг барча фуқароларини – мусулмонлар, руслар, яҳудийлар, ишчилар, аскарлар, деҳқонлар, халқларни, вилоят, шаҳар, земство бошқарув органлари, сиёсий, жамоат, касаба уюшмалари ташкилотлари, иттифоқларини, барча давлат, жамоат, хусусий муассасаларини Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашишга ва унга юкланган масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ёрдам беришга чақиради. Урушнинг мисли кўрилмаган зарарли овози остида дунё халқлари ўз тақдирларини ўзлари белгилаётганлиги, тарихий тақдир иродаси билан олийжаноб Туркистон халқларнинг қонли тўқнашувидан четда қолганлиги айтилиб, занжирлардан халос бўладиган, Туркистон ўз ерининг эгасига айланадиган ва ўз тарихини яратадиган вақт келганлиги таъкидланган [2. Б. 53].

1917 йилнинг 3 декабрида Мустафо Чўқаев, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Обиджон Маҳмудов бошчилигидаги ҳукумат вакиллари Туркистон аҳолисига мурожаат қилган. Мухториятчилар юзага келган сиёсий вазиятда Туркистон аҳолисини ҳукумат атрофида бирлашишга, озиқ-овқат муаммосини биргаликда ҳал қилишга, очарчиликдан эсон-омон чиқиб кетиш ҳаёт ва мамот масаласи эканини таъкидлашган. Жумладан, унда қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Туркистон Муваққат ҳукуматининг резолюцияси. Қўқон 3 декабрь. Тошкентдаги “Туркестанский вестник”, Ашхабаддаги “Призыв”, Скобелевдаги “Знамя свободы”, Самарқанддаги “Свободный Самарканд”, Верныйдаги “Семиреченские ведомости” – Туркис-

тон Мухториятининг барча давлат ва жамоат ташкилотларига. Туркистон мусулмонлари фавқулодда қурултойида ўлканинг ҳудудий мустақиллиги эълон қилиниб, Туркистон Мухторияти муваққат ҳукуматининг халқ совети ташкил этилди. Барча давлат ва жамоат ташкилотлари каби мустақил суд органлари фаолияти эркинлигининг зарурлигини инобатга олган ҳолда, Муваққат ҳукумат уларнинг барчасини мухтор Туркистоннинг махсус қонунлари чиқарилгунга қадар амалдаги ҳуқуқий қоидалар асосида иш юритишга чақиради, Туркистоннинг барча соҳаларида вайронагарчиликлар туфайли чуқур ҳалокатли силкинишлар, очарчилик рўй бераётганини ҳар ким ёдда тутиши лозим", – дея Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати аъзолари – Тинишбоев, Шоаҳмедов, Маҳмудов, Юргули Агаев, Хўжаев, Чўқаев, Ўразаевлар тилга олинган" [2. Б. 52].

Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида маҳаллий олимлардан М.Ҳасанов биринчи бўлиб Туркистон Мухториятининг легитимлик фаолиятига ижобий баҳо бериб, юқоридаги каби ҳолатларни танқид қилган [3. Б. 7–15]. У ўз мақоласида 1917 йил 26 ноябрда ўлка мусулмонларининг IV қурултойини узоқ йиллар давомида "миллатчилар йиғини" деб аталганини қуйидагича танқид қилади: "… Мана орадан неча ўн йиллар ўтяпти, ҳатто XX аср тугаб ҳам боряптики, менинг кўплаб тарихчи ҳамкасбларим ушбу съездга "миллатчилар йиғини" ёрлиғини ёпиштириб келишади. Аслида эса қандай? Менинг назаримда, тўлиқ маънода бундай дейиш виждонсизлик, иккиюзламачилик, мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Ахир демократик кайфиятдаги бир қатор миллий зиёлилар вакиллари съездда шундай фикрларни баён этдики, уларни тор дунёқарашли миллатчи сира айтолмаган бўлур эди".

Дарҳақиқат, М.Ҳасановнинг ушбу фикрлари нечоғлик тўғрилигини бугун тарих кўрсатиб турибди. Биринчидан, йирик маърифатпарвар М.Беҳбудий қурултой ҳайъати аъзолигига мусулмон бўлмаган бошқа дин вакилларини ҳам киритишни таклиф этганлиги қурултой аъзоларининг "миллатчи" бўлмаганлигидан далолат. Иккинчидан, қурултой ишида сиёсий фикрлар хилма-хиллиги яққол акс этган. Қўқонлик жадид Обиджон Маҳмудов бу борада шундай деган: "Ҳайъатга сайлов вилоятлар ва алоҳида диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки билимдон, зукко ва ишбилармонлигига кўра ўтказилиши керак" [4. Б. 127]. Демак, Туркистон Мухторияти айрим советпараст олимлар айтганидек, "миллатчи ҳукумат" эмас.

Туркистон Мухториятининг большевиклар томонидан қонга ботирилиши ҳақида профессор Р.Шамсутдинов ўзининг қатор илмий тадқиқотларида таъкидлаган. Хусусан, муаллиф Тошкент совети раиси И.О.Тоболин Туркистон Мухториятининг ташкил этилишига қарши фикрини яширмаганлигини таъкидлаб, унинг қуйидаги фикрларини келтиради: "... Бироқ мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, мухториятнинг энг биринчи шартига кўра, бу ўлкадан ҳарбий қўшинлар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар бу мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширадиган бўлсак, унда инқилоб биқинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса яна аксилинқилобчилар ҳокимияти қарор топар эди" [5. Б. 64]. Яъни, қурултой Туркистон Мухторияти ҳукуматини тан олишдан бош тортганини, унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилганлигини, ҳатто уларнинг бошлиқларини қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини таъкидлайди.

Р.Шамсутдинов ўзининг яна бир тадқиқотида Туркистон Мухторияти ташкил этилишининг асосий жиҳатлари, шунингдек, ўша давр ижтимоий-сиёсий жараёнларида ҳукуматнинг ўрнига эътибор қаратган [6. Б. 3]. Олимнинг яна бир илмий тадқиқотида Туркистон Мухториятини ташкил этишда асосий роль ўйнаган жадидлардан Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Обиджон Маҳмудов ва бошқалар ҳақида фикр юритилган [7. Б. 39–47]. Муаллифнинг бир қатор тадқиқотларида Туркистон Мухторияти аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар берилган [8. Б. 178–190; 9. Б. 171–178].

Яна бир олим С.Агзамходжаев ўз асарида Туркистон Мухторияти ташкил этилишининг ғоявий асослари, унинг амалий аҳамияти ҳақида фикр юритиб, мухториятчиларнинг дастурлари, бошқаруви ҳақида фикрларини билдирган [4. Б. 170]. Олим мухторият ташкил этилиши йўлида муҳим аҳамият касб этган Туркистон мусулмонларининг қурултойлари ҳақида ҳам маълумотларни келтирган [10. Б. 22–27]. С.Агзамходжаев ўз тадқиқотида "Шўрои Исломия" ташкилотининг мухторият ташкил этилишидаги ўрни, мақсади ва вазифалари ҳақида ҳам фикр юритган [11. Б. 18–19].



Туркистон ўлка мусулмонларининг 4-қурултойи.
1917 йил 26 ноябрь.

С.Шадманова ўз тадқиқотида Туркистон Мухторияти, унинг фаолияти бўйича немис ва турк олимларининг фикрлари ҳақида маълумот беради. Масалан, муаллиф немис олими Й.Бензингнинг Туркистон Мухторияти ташкил этилишига хайрихоҳ бўлиб ташкил этилган митингларда намойишчиларнинг ўққа тутилишини большевикларнинг Туркистон Мухториятига ҳақиқий муносабатини кўрсатиб бергани ҳақидаги фикрини келтиради [12. Б.79]. С.Шадманова турк тарихчиси Булак башининг бу борадаги фикрларини ҳам четда қолдирмаган. Хусусан, унинг Туркистон Мухторияти ҳақидаги “Декабрнинг қолдирган доғлари” номли мақоласи ҳақида фикр юритиб, Совет ҳукуматининг Туркистон Мухториятини йўқотиш учун куч ишлатишга киришганлигини ва бу тарихда “қонли доғ” бўлиб қолганини айтади [12. Б. 79].

Туркистон Мухторияти вазирлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида Қ.Ражабов ҳам фикр юритган. Жумладан, муаллиф вазирлар таркиби, уларнинг тақдири масаласига катта эътибор қаратган [13. Б. 35].

А.Мингноровнинг китобида 1917–1918 йилларда Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши, миллий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида атрофлича маълумот берган [14. Б. 156]. Муаллифнинг яна бир тадқиқотида ўша давр миллий матбуот саҳифаларида Туркистон мухториятининг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисидаги мақолаларга эътибор қаратилган. Жумладан, “Улуғ Туркистон”, “Эл байроғи”, “Ишчилар дунёси”, “Ҳуррият” ва бошқа матбуот нашрларида эълон қилинган қатор мақолалар таҳлил қилинган [15. Б. 156].

М.Раҳматовнинг тадқиқотида 1917 йилда ўтказилган бутунтуркистон мусулмонларининг қурултойлари ҳақида сўз юритилиб, мухториятни ташкил этиш йўлидаги жараёнлар Туркистондаги сиёсий воқеаларнинг марказида турган таниқли бошқирд тараққийпарвари Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг хотиралари асосида таҳлил қилинган [16. Б.67–73].

Тадқиқотчи Д.Ҳомидов Туркистон Мухторияти маориф вазири Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўғлининг фаолияти ҳақида фикр билдириб, унинг вафоти санаси ҳақидаги айрим чалкашликларга барҳам берган [17. Б. 56–64].

ХХ аср бошларида МДҲ олимлари илмий тадқиқотларида ҳам Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши, вазирлари фаолиятининг айрим қирралари ҳақида фикр юритилган. Қозоқ тарихчиси М.Жетшсбаевaнинг илмий ишида Мустафо Чўқайнинг ижтимоий – фалсафий ғоялари, шунингдек, унинг Туркистон Мухториятидаги фаолияти ҳақида фикр билдирилган [18. Б. 30].

Г.Жугенбаевaнинг тадқиқотида Муҳаммаджон Тинишбоевнинг (1879–1938) ҳаёти ва фаолиятига тўхталиб ўтилган. Жумладан, Туркистон Мухториятининг халққа мурожаатида Обиджон Маҳмудов билан Муҳаммаджон Тинишбоевларнинг ҳиссаси катта бўлганлиги таъкидланган [19. Б. 33].

МДҲ олимларидан М.Усмановaнинг тадқиқотида Туркистон Мухторияти бош вазири ўринбосари бўлган Ислом Султон Шоаҳмедовнинг ҳаёти ва фаолияти [20. Б. 166–175], жумладан, унинг Туркистон

Мухторияти Конституциясининг ҳуқуқий жиҳатларини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган [20. Б. 171].

М.Одабашяннинг докторлик диссертациясида Туркистоннинг Совет империяси ва Совет давлати таркибидаги тарихи, жумладан, тадқиқотнинг “1917 йил Октябрь инқилоби” номли иккинчи бобининг иккинчи параграфида Туркистонда давлатчиликнинг кейинги тараққиётида Туркистон Мухториятининг ўзига хос ўрни, тажрибаси бўлганлигига алоҳида урғу берган [21. Б. 473].



Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши
1917 йил 26 ноябрь.

Рус олимаси И.Бочкарева Туркистон Мухториятини ташкил этишда жадидлар орасидаги бўлинишлар, шунингдек, “Шўрои Уламо” жамияти фаолияти ҳақида ёзар экан, жамиятнинг ташаббуси билан Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи ўтказилганлиги, кейинчалик бу қурултой Бутунтуркистон мусулмонларининг III қурултойи сифатида тарихга кирганлигини таъкидлайди [22. Б. 194–202].

Хорижлик олимлардан Тимур Кўчаоглу (Темур Хўжа ўғли) ўз тадқиқотида жадидларнинг “Шўройи Исломия” ҳамда “Шўройи Уламо” ташкилотлари ўртасидаги ихтилофлар ва муаммолар Туркистон Мухториятининг тугатилишига олиб келганлигини афсус билан тилга олади [23. Б. 67].

Холид Адиб китобида Марказий Осиёда жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, ривожланиши ва Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши ҳақида фикр юритилган. Муаллиф мухториятнинг ўзига хос жиҳатлари ва етакчилари тўғрисида, айниқса, китобнинг 9-бобида Туркистон Мухторияти озиқ-овқат вазири Обиджон Маҳмудовнинг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтган [24. Б. 97–98].

Холид Адиб Марказий Осиёда Шўролар ҳукмронлигидан олдинги ва кейинги йиллардаги исломнинг жамиятдаги ўрни, жадидлар ҳаракатининг ривожланишида диний ва дунёвий таълимнинг аҳамияти ҳақида фикр юритган. Шунингдек, асарнинг “The Soviet Assault on Islam” (“Исломга советча ҳужум”) номли бобида эски қолипдаги диний таълимнинг жадидлар ислоҳоти натижасидаги ўзгариши таҳлил этилган. Бунда Обиджон Маҳмудовнинг “Садои Фарғона” газетасида эълон қилиб борилган диний илмлар билан биргаликда дунёвий илмларни, хусусан, иқтисодий билимларни ҳам эгаллаш зарурлиги ҳақидаги қатор мақолалари келтирилган [25. Б. 152].

Эдвард Олворт ўз китобида Марказий Осиёда Подшо Россияси ва Совет Иттифоқининг 130 йиллик ҳукмронлигини тасвирлар экан, унда жадидчилик, ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар ҳаракатига оид маълумотлар келтириб ўтилган. Муаллиф юқоридаги ҳаракатлар Туркистон Мухториятини ташкил этилишига туртки бўлганлигини ёзади [26. Б. 158].

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бугунга қадар биринчи миллий-демократик давлат бўлмиш Туркистон Мухториятининг тарихи юзасидан мамлакатимиз ва дунёда олиб борилган тадқиқотлар ушбу ҳукумат ҳақида жуда кўп маса-

лаларни аниқлаш имконини берган бўлса-да, ҳали олдинда турган вазифалар, ўрганилиши лозим бўлган муаммолар кўпдир. Туркистон Мухторияти ва вазирлари тарихини янада чуқурроқ ва адолатли ўрганиш, уларга баҳо бериш – Ўзбекистоннинг ўша даврдаги ҳаққоний тарихини яратишда, уни халққа етказишда, энг асосийси ёшларни ватанпарварлик ғоялари асосида тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. *Мирзиёев Ш.* 2021 йил 19 январдаги маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги нутқи. [Интернет манба]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/4089. (Мурожаат этилган сана: 10. 09. 2021)

2. *Шоқай М.* Шығармаларынын толық жынағы. 12 томдық. II том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2017. – 630.с

3. *Ҳасанов М.* Туркистон мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш, 1990. – № 9. – Б.7**–**15.

4. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти. Миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.

5. *Шамсутдинов Р. Каримов Ш.* Туркистон Мухториятига большевиклар тажовузи // “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 64–73.

6. *Шамсутдинов Р.* Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири. [Интернет манба]. URL: https://e-tarix.uz/maqolalar/498-maqola.html (Мурожаат этилган сана: 16. 03. 2022)

7. *Шамсутдинов Р*. Жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг ижтимоий, маънавий-маърифий қарашларига доир // Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2016. – Б. 39–47.

8. *Шамсутдинов Р.* Штрихи к портрету военного министра туркестанской автономии Убайдуллы Ходжаева // Водийнома, 2017 йил. – № 5. – Б. 178–190.

9. *Шамсутдинов Р, Эрктурк М.Х*. Саид Носирхон тўра – маориф вазири // Водийнома, 2017. – № 5. – Б. 171–178;

10. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти учун курашнинг ғоявий асослари // “Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 22–27.

11. *Аъзамхўжаев С.* “Шўрои исломия” – асли қандай эди // Фан ва турмуш, 1992. **–** № 5**–**6. – Б. 18–19.

12. *Шадманова С.* Немис ва турк тилидаги тадқиқотларда Туркистон Мухторияти ҳақидаги қарашлар // Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 79–*87*.

13. *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Bodomzor invest, 2021. – 89 б.

14. *Мингноров А*. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши. – Тошкент: Истиқлол нури, 2013. – 156 б.

15. *Мингноров А.* Туркистон Мухторияти ва унинг қисмати Туркистон миллий матбуоти саҳифаларида // Ўзбек миллий давлатчилиги тарихида Туркистон Мухториятининг ўрни ва роли” мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2017. – Б. 137–142.

16. *Раҳматов М.* 1917 йилда ўтказилган Бутунтуркистон мусулмонларининг қурултойлари // Ўтмишга назар, 2021. – № 6. – Б. 67–73.

17. *Ҳомидов Д.* Саид Носирхон Тўра Камолхон Тўра ўғлининг вафоти санаси хусусида // Жамият ва инновациялар, 2021. – № 01. – Б.56–64.

18. *Жетшсбаева М.С*. Қазақстандағы азаматтық қоғамды қал ыптастырудын иегіздеріне әлеуметтік-философиялық талдау (Мустафа Шоқай шыгармашылыгы бойынша). Философия ғылымдарының кандидаты ғылыми дәрежесін алу үшін дайындалған диссертацияның автореферати. – Алматы, 1999. – 30 б.

19. *Жугенбаева Г.С*. Мухамеджан Тынышбаевтын омірі мен қызмети (1879–1938). Тарих ғылымдарынын кандидаты ғылыми дережесін алу ушін дайындалған диссертациясинын автореферати. – Алматы, 1999. – 33 б.

20. *Усманова Д*. Ислам Шагиахметов: забытые герои 1917 г // Гасырлар авазы – Эхо веков, 2017. – № 3/4. – С. 166–175.

21. *Одабашян М.* Туркестан в составе Советской России: Проблемы социально-экономического и политического развития, октябрь 1917 г. - октябрь 1924 г. Дисс... на ученой степ. доктор исторических наук. – Москва, 2001. – 473 с.

22. *Бочкарева И.* Вопрос о власти в Туркестане накануне и после октябрьской революции // Социальные, культурные исследования и безопасность, 2019. – № 3. – С. 194–202.

23. *Kocaoğlu T.* Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve İhtilaller: 1900–1924. – Budapesht: Turkuaz dizisi, 1992. – 289 p.

24. *Khalid A*. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. – New York: University of California press, 1999. – 400 p.

25. *Khalid A*. Islam after Communism: Religion and Politics in Central Asia. – London: University of California press, 2007. – 272 p.

26. *Allworth E.* 130 years of Russian dominance, a historical overview. – London: Duke university press, 1994. – 650 p.

ON THE HISTORIOGRAPHY OF THE FIRST NATIONAL DEMOCRATIC STATE - TURKESTAN'S AUTONOMY

N.B. Komilov

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 33-41.

[1]Fergana medical institute of public health, Fergana, 150100, str.,Yangi Turon, 2A (Uzbekistan).E-mail: ff tma_info@edu.uz

Keywords: ideology, jadid, secular democratic state, Turkestan autonomy, Russian Empire, education, economic independence, national press.

The article analyzes the formation of the first national-democratic state - the autonomy of Turkestan, the attitude of the Soviet government to it on the basis of scientific research of local and foreign scholars.

In addition, information was provided about new aspects of the life and work of the members of the Turkestan Autonomy, the views expressed by them.

The Autonomy of Turkestan, which has left a deep mark on the historical memory of our people, is the first national-democratic state in the history of Uzbek statehood. Today, this experience of statehood is assessed as a process of national revival in our country, a worthy path to the path chosen by our people.

It is known that the Jadids, the ideologues of the autonomy movement, defined the main directions of building a secular-democratic state in Turkestan. This process included the need to reform all spheres of education, economy, culture and society in general.

In that historical period, the Jadids foresaw the severity of independent development and the difficult conditions in which Turkestan would break away from Russia. Because Turkestan was economically connected with the Russian Empire in all respects. That is why they put on the agenda of independent development in a single economic framework, and in this regard were in favor of granting Turkestan a broad national-territorial autonomy.

Although the research on the history of Turkestan Autonomy in our country and around the world has revealed many issues about this government, there are still many tasks to be studied. A more in-depth and fair study of the history of Turkestan Autonomy and its ministers is important in creating a true history of Uzbekistan at that time, conveying it to the people, and most importantly, educating young people on the basis of patriotic ideas.

Unfortunately, the activities of this legitimate state were regularly criticized by the Soviet government, and for many years the activities of the autonomists were negatively assessed. For example, in two documents of November 27, 1917 and December 1, 1917, the Autonomy of Turkestan was stated as a "bourgeois-nationalist" government, and the authors of the collection (I.T. Bezrukova, M.L. Veis, M.I. .Mandalskaya, K.Z.Mukhsinova) unreasonably violated the appeals of the legitimate Turkestan Autonomy, and tried to artificially incorporate the meaning of this document into Soviet policy and ideology, and completely falsified the historical truth. While, Mustafo Chokayev, the Turkiston autonomous foreign minister and later prime minister, criticized this occasion in his book.

References:

1. Mirziyoev, Sh. (2021) 2021 yil 19 yanvardagi ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo'yicha videoselektor yig'ilishidagi nutqi [Speech at the video conference on January 19, 2021 on the radical improvement of the system of spiritual and educational work, strengthening cooperation between government and public organizations]. [Online]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/4089. (Date of access: 10.09.2021)

2. Shoqay, M. (2017*) Shyg'armalarynyn tolyq zhynag'y* [A complete collection of works]. Vol.2. Almati: Dayk-Press.

3. Hasanov, M. (1990) Turkiston muxtoriyati: haqiqat va uydirma [Turkestan Autonomy: Truth and Fiction]. *Fan va turmush*. No 9. Pp.7-15.

4. A'zamxo'jaev, S. (2000) *Turkiston muxtoriyati. Milliy-demokratik davlatchilik qurilishi tajribasi* [Autonomy of Turkestan. Experience in building a national-democratic state]. Tashkent: Ma'naviyat.

5. Shamsutdinov, R. Karimov, Sh. (2017) Turkiston Muxtoriyati va uning taqdiri [Turkestan Autonomy and its destiny]. In: 'O'zbek milliy davlatchiligi tarixida Turkiston Muxtoriyatining o'rni va roli' [The place and role of Turkestan Autonomy in the history of Uzbek national statehood]. Materials of the republican scientific and practical conference. Tashkent. Pp. 64-73.

6. Shamsutdinov, R. Turkiston Muxtoriyatiga bolsheviklar tajovuzi [Bolshevik aggression on Turkestan Autonomy]. [Online]. URL: https://e-tarix.uz/maqolalar/498-maqola.html. (Date of access: 08.02.2022)

7. Shamsutdinov, R. (2016) Jadidchilik harakati namoyondalarining ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy qarashlariga doir [On the social, spiritual and enlightenment views of the representatives of the Jadid movement]. In: 'Jadid ma'rifatparvarlik harakatining g'oyaviy asoslari' [The ideological foundations of the modern enlightenment movement]. Materials of the republican scientific and practical conference. Tashkent. Pp. 39-47.

8. Shamsutdinov, R. (2017) Shtrihi k portretu voennogo ministra turkestanskoj avtonomii Ubajdully Hodjaeva [Strokes to the portrait of the Minister of military affairs of the Turkestan Autonomy Ubaydulla Khodjaev]. *Vodiynoma*, No 5. Pp. 178-190.

9. Shamsutdinov, R., Erkturk, M.X. (2017) Said Nosirxon to'ra – maorif vaziri [Said Nosirkhan Tora - Minister of Education]. *Vodiynoma*. No 5. Pp. 171-178.

10. A'zamxo'jaev, S. (2017) Turkiston muxtoriyati uchun kurashning g'oyaviy asoslari [Ideological foundations of the struggle for Turkestan autonomy]. O'zbek milliy davlatchiligi tarixida Turkiston Muxtoriyatining o'rni va roli' [The place and role of Turkestan Autonomy in the history of Uzbek national statehood]. Materials of the republican scientific and practical conference Tashkent. Pp. 22-27.

11. A'zamxo'jaev, S. (1992) "Sho'roi Islomiya" - asli qanday edi? ['Shura Islamiya' - what was it like?]. *Fan va turmush*. No 5-6. Pp. 18-19.

12. Shadmanova, S. (2017) Nemis va turk tilidagi tadqiqotlarda Turkiston Muxtoriyati haqidagi qarashlar [Views on Turkestan Autonomy in German and Turkish Studies]. O'zbek milliy davlatchiligi tarixida Turkiston Muxtoriyatining o'rni va roli' [The place and role of Turkestan Autonomy in the history of Uzbek national statehood]. Materials of the republican scientific and practical conference Tashkent. Pp. 79-87.

13. Rajabov, Q. (2021) *Turkiston Muxtoriyati vazirlari hamda Milliy Majlis a'zolari hayoti va taqdiri* [Life and destiny of the Ministers of Turkestan Autonomy and members of the Milli Majlis]. Tashkent: Bodomzor invest.

14. Mingnorov, A. (2013) *Turkistondagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarning milliy matbuotda yoritilishi* [Coverage of socio-political processes in Turkestan in the national press]. Tashkent: Istiqlol nuri.

15. Mingnorov, A. (2017) Turkiston Muxtoriyati va uning qismati Turkiston milliy matbuoti sahifalarida [Turkestan Autonomy and its fate in the pages of the Turkestan national press]. O'zbek milliy davlatchiligi tarixida Turkiston Muxtoriyatining o'rni va roli' [The place and role of Turkestan Autonomy in the history of Uzbek national statehood]. Materials of the republican scientific and practical conference Tashkent. Pp. 137-142.

16. Rahmatov, M. (2021) 1917 yilda o'tkazilgan Butunturkiston musulmonlarining qurultoylari [Congress of All Turkistan Muslims held in 1917]. *O'tmishga nazar*. No 6. Pp. 67-73.

17. Homidov, D. (2021) Said Nosirxon To'ra Kamolxon To'ra o'g'lining vafoti sanasi xususida [Said Nosirkhan Tora On the date of death of Kamolkhon Tora's son]. *Jamiyat va innovatsiyalar*. Issue 2 (01). Pp.56-64.

18. Jetshsbaeva, M.S. (1999) Qazaqstandag'i azamattiq qog'amdi qal iptastirudin iegizderine əleumettik-filosofiyaliq taldau (Mustafa Shoqay shigarmashiligi boyinsha) [Socio-philosophical analysis of the history of civil society in Kazakhstan (based on the work of Mustafa Shokay)]. Abstract of Dissertation for the Candidate of Philosophy Sciences. Almati.

19. Jugenbaeva, G.S. (1999) Muxamedjan Tinishbaevtin omiri men qizmeti (1879-1938) [Life and work of Muhammadjan Tinishbaev (1879-1938)]. Abstract of Dissertation for the Candidate of historical Sciences. Almati.

20. Usmanova, D. (2017) Islam Shagiahmetov: zabytye geroi 1917 g [Islam Shagiakhmetov: Forgotten Heroes 1917]. *Gasyrlar avazy – Ekho vekov*. No 3/4. Pp. 166-175.

21. Odabashyan, M. (2001) Turkestan v sostave Sovetskoj Rossii: Problemy social'no-ekonomicheskogo i politicheskogo razvitiya, oktyabr' 1917 g. - oktyabr' 1924 g. [Turkestan within Soviet Russia: Problems of Social, Economic and Political Development, October 1917 - October 1924]. Dissertation for getting the degree of Doctor of Historical Sciences. Moscow.

22. Bochkareva, I. (2019) Vopros o vlasti v Turkestane nakanune i posle oktyabr'skoj revolyucii [The question of power in Turkestan on the eve and after the October Revolution]. *Social'nye, kul'turnye issledovaniya i bezopasnost'*. No 3. Pp. 194-202.

23. Kocaoğlu, T. (1992) *Türkistan'da Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900-1924* [Innovation Movements and Revolutions in Turkestan: 1900-1924]. Budapesht: Turkuaz dizisi.

24. Khalid, A. (1999) *The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia.* New York: University of California press.

25. Khalid, A. (2007) *Islam after Communism: Religion and Politics in Central Asia.* London: University of California press.

26. Allworth, E. (1994) *130 years of Russian dominance, a historical overview.* London: Duke university press.

Муаллиф ҳақида маълумот:

КОМИЛОВ Нодирбек Бокижонович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Хорижий кафедраси доценти. E-mail: n_komilov@inbox.ru